

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Саидова Мухайё Умедиллоевна,

Бухоро давлат университети,

Инглиз тилшунослиги кафедраси таянч докторанти

e-mail: mukhayyo1981@mail.ru

К. БОЛДИКНИНГ “АДАБИЁТШУНОСЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ ОКСФОРД ЛУҒАТИ”ДАГИ ЯСАМА АДАБИЁТШУНОСЛИК ТЕРМИНЛАРИ ТАҲЛИЛИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-2-76>

АННОТАЦИЯ

Илмий адабиётлар таҳлили герман тилларида адабиётшунослик терминларнинг бир хил ва бир текис ўрганилмаганлигини кўрсатади. Тадқиқот объекти қилиб олган адабиётшунослик терминлари славян, роман ва герман тилларида мутлақо ўрганилмаганлигини кўриш мумкин. Шунинг учун фалсафа, маданият ва маънавият, этика, эстетика, дин ва тасаввуф, тилшунослик ва айниқса, адабиётшунослик терминларини ўрганиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Ушбу мақолада адабиётшунослик терминларининг герман тиллари мисолида ўрганилганлик даражаси ва аҳамияти тўғрисида тўхталиб, Крис Болдикнинг “The Concise Oxford Dictionary of Literary Terms” луғатидаги адабиётшунослик терминларининг ясаиш усуллари таҳлилга тортилган.

Таянч сўзлар: адабиётшунослик термини, туб, ясама, қўшма, мураккаб, суффиксация, префиксация, парасинтетик.

Саидова Мухайё Умедиллоевна,

Бухарский государственный университет,

Базовый докторант кафедры английского языковедения

e-mail: mukhayyo1981@mail.ru

АНАЛИЗ ПРОИЗВОДНЫХ ЛИТЕРАТУРОВЕДЧЕСКИХ ТЕРМИНОВ СЛОВАРЯ К. БОЛДИКА “КРАТКИЙ ОКСФОРДСКИЙ СЛОВАРЬ ЛИТЕРАТУРОВЕДЧЕСКИХ ТЕРМИНОВ”

АННОТАЦИЯ

Анализ научной литературы показывает, что литературные термины в германских языках не изучались единообразно. Литературные термины, которые были предметом исследования, почти не изучались в славянских, романских и германских языках. Поэтому актуальным является изучение терминов философии, культуры и духовности, этики, эстетики, религии, лингвистики и особенно литературоведения. В данной статье рассматриваются степень изученности и значимость литературных терминов на материале германских языков; даётся структурная классификация литературоведческих терминов словаря Криса Болдика “The Concise Oxford Dictionary of Literary Terms”.

Ключевые слова: литературоведческий термин, простые, производные, сложные, сложнопроизводные, суффиксация, префиксация, парасинтетик.

Saidova Mukhayyo Umedilloevna,
Bukhara state university,
PhD student of English Linguistics department
e-mail: mukhayyo1981@mail.ru

THE ANALYSIS OF DERIVATIVE LITERARY TERMS IN “THE CONCISE OXFORD DICTIONARY OF LITERATURE TERMS” BY Ch. BALDICK

ANNOTATION

The scientific research shows that literary terms in the Germanic languages were not studied uniformly. Literary terms, which were the subject of our research, have hardly been studied in the Slavic, Roman and Germanic languages. Therefore, it is relevant to study the terms of philosophy, culture and spirituality, ethics, aesthetics, religion, linguistics and especially literary criticism. The degree of study and significance of literary terms are carried out in the given article. The article gives classification of derivative literary terms of the dictionary “The Concise Oxford Dictionary of Literary Terms” by Chris Baldick.

Key words: literary term, simple, derivative, compound, complex, suffixation, prefixation, parasyntetic.

XIX аср инсоният тарихига техника ва технологиялар асри бўлиб кирди ва бу терминология соҳасида ҳам бир қатор янгиланишлар ва кашфиётлар рўй берди. Янгидан янги яратилаётган техникалар, шиддат билан ривожланаётган замон таъсири остида терминология лексикаси ҳам бойиди ва соҳа концепцияларида ҳам бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Амалиёт ва назариянинг ҳамқадам бўлиб ривожланиши ҳам айтиш мумкин шу даврга тўғри келади ва айтиш мумкин шунинг натижаси ўлароқ терминология соҳаси бир қатор илм фан соҳалари билан биргаликда иш олиб бора бошлади ва уларнинг ҳар бири ўзларининг фан ютуқларидан келиб чиққан ҳолда терминологиянинг ҳам соҳавий лексикаларида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Янаям аниқроқ гапирадиган бўлсак, XX асрнинг биринчи ярмида на тилшунос ва на ижтимоий соҳа олимлари терминларга алоҳида эътибор беришган. Терминология 1930 йилларда шакллана бошлади. Терминология соҳасининг ривожланиши австриялик тилшунос олим Eugen Wuster номи билан боғлиқ бўлиб, замонавий терминологиянинг ривожланишида салмоқли ҳисса қўшган олимнинг ишлари сабабли австриялик тилшунос олим терминологиянинг отаси деб ҳисобланган. Ўзининг докторлик диссертациясида у терминология билан ишлаш услубларини тизимлаштириш бўйича бир қанча далилар келтириб, терминлар билан ишлашнинг бир қатор тамойилларини яратди ва терминларни қайта ишлашнинг методологиясининг асосий қоидаларини белгилаб берди. Унинг фикрига кўра, тўрт нафар тилшунос олим терминологик назариянинг интеллектуал оталари ҳисобланади: “Германиялик олим Альфред Шолман махсус терминларнинг систематик хусусиятини ҳисобга олган биринчи олим; швейцариялик тилшунос Фердинанд де Соссюр тилнинг систематик хусусиятига эътибор берган биринчи олим; россиялик Эрнест Дрезен стандартлаштиришнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини биринчилардан бўлиб кашф этган; ЮНЕСКО вакили бўлган инглиз олими Э. Холмсторм терминологияни халқаро миқёсга олиб чиқишга муҳим роль ўйнаган шахс ҳисобланади” [6, 195-201].

Рус олими С.В. Гринев-Гриневиц фикрига кўра, атамалар термин-сўзлар (бир морфемали ва кўп морфемали) ва термин-бирикмалар (икки ва ундан ортиқ ўзакли лексемалар)га бўлинади. Ана шу таснифдан келиб чиқиб, адабиётшунослик терминларини қуйидагича гуруҳлаш мумкин: содда, ясама ва қўшма сўзлар [3, 46].

Оддий (туб) терминлар бир ўзакли сўзларни ўз ичига олади, уларнинг асослари ўзгаришсиз қолади ва сўзнинг асосий маъносини ўз ичига қамраб олади. Морфологик

қўшимчалар қўшилиши мумкин бўлган ягона илдиз морфемасидан иборат терминлар. Биз таҳлилга тортган луғатимиздаги содда терминлар гуруҳига қуйидаги терминларни киритдик: the absurd, act, agon, alba, anthem, aubade, ballad, bard, blazon or blazon, canon, carol, cleriheiw, climax, coda, code, codex, conceit, corpus, crown, crux, dactyl, dirge, drama, Edda, emblem, envoi or envoy, epos, essay, fable, farce, figure, fit, foil, foot, form, gaff, gazal, genre, ghazal or ghasel, gloss, griot, haiku, hero, hokku, hymn, iamb, icon, idiom, idyll or idyl, index, the Index, kabuki, kitsch, lacuna, lay, lampoon, legend, maxim, metaphor, meter, metre, mime, mode, motif, muse, myth, novel, octave, ode, paeon, paeon, plocce or plocche, plot, proem, prose, psalm, pun, revue, rhyme, rhythm, rune, saga, salon, satire, scene, seme, sign, simile, skald, sketch, sonnet, squib, stanza, stave, story, stress, style, symbol, syntax, syuzhet, tanka, tenor, text, tone, tract, trope, turn, type, verse, verso, the Vice, voice, wit. Содда терминлар кўпгина ҳолларда ясама ва мураккаб терминларни ясада хизмат қилади.

Кейинги гуруҳга ясама терминларни киритдик. Уларнинг асосини ўзак ва ясовчи қўшимчалар ташкил қилади. Терминологияни ўрганишнинг энг самарали усули морфологик усул ҳисобланади. Ясама адабиётшунослик терминларнинг келиб чиқиш генезисини аниқлашдаги қизиқиш авваломбор уларнинг аффиксал таркибини кўриб чиқишдан иборат бўлган. Ясама адабиётшунослик терминларнинг туб ва ўзлаштирилганлик жиҳатидан кўриб чиқадиган бўлсак, кўп ҳолларда уларнинг юнон, лотин, француз ва бошқа тиллардан ўзлаштирилганлигининг гувоҳи бўламиз. Ўзлаштирилган сўзлар билан биргаликда уларнинг аффикслари ҳам инглиз тилига кириб келган. Барча ўзлаштирилган аффикслар ҳам инглиз тилида бир хил мавқега эга бўлмаган бўлсада, етарли даражада продуктив аффикслар қаторидан жой олишган. Шунини ҳам таъкидлашимиз жоизки, адабиётшунослик терминопоясида хизмат қилувчи аффикслар тизимида кўп бўлмаган ва сўз яшаш продуктивлиги жиҳатдан кам самарали туб аффикслар ҳам учрайди.

Адабиётшунослик терминопоясидаги ясама терминларни таҳлил қилишдан олдин инглиз тили турли термосистемасидаги от ва сифат ясовчи аффиксларни кўрсатиб ўтишни жоиз деб топдик. Р.Г.Зятковский (1971)га кўра, от ясовчи туб инглиз суффиксларига қуйидагилар киради: -er (worker, miner, teacher, -ness (coldness, loneliness, loveliness), -ing (feeling, reading, singing), -dom (freedom, wisdom), -hood (childhood, motherhood, womanhood), -ship (friendship, companionship, mastership), -th (length, breadth, health, truth) ва бошқалар.

Сифат ясовчи суффикслар қуйидагилар: -ful (careful, wonderful, cheerful), -less (careless, sleepless), -y (cosy, tidy), -ish (English, Spanish), -ly (lovely, ugly), -en (wooden, woolen, silken), -some (handsome, tiresome) ва бошқалар.

От ва сифат ясовчи аффикслар туб ва ўзлаштирилган ва шу ўринда улар самарали ва кам самарали аффиксларга бўлинади. Самарали от ясовчи қўшимчаларга: -er, -ing, -ism, -ish, -ance ва кам самарали қўшимчаларга: -th, -hood, -dom, -ship киради. Самарали сифат ясовчи қўшимчаларга: -y, -ed, -ish, -able, -less, ва кам самарали қўшимчаларга: -en, -ly, -some, ous киритишимиз мумкин.

Туб суффиксларнинг самарали ва самарасиз масаласи мунозарали бўлиши мумкин. Масалан, Г.Н.Антрошина таъкидлашича, туб от ясовчи -dom ва -ship суффикслари юз йиллар мукаддам ўз самарадорлигини йўқотиб бўлган [1, 201]. И.В.Арнольд эса шу ўринда, -dom (boredom, slavery) ва -ship (salesmanship) суффикслари орқали яқин орада ясалган бир нечта мисолларни келтирган [2, 198]. Худди шу фикрни – hood суффикси ҳақида ҳам айтишимиз мумкин. Катта Оксфорд луғатида ушбу қўшимча самарали деб талқин қилинган бўлсада, инглиз тили тарихи бўйича машҳур мутахассис М. Брайнт уни самарасиз қўшимчалар қаторига киритган [5, 194].

Ўзлаштирилган суффикслар ҳам ўз навбатида тил манбалари асосида лотин, француз, юнон ва бошқа тиллар гуруҳига бўлинади. Сўз туркумлари бўйича алоҳида ажратилган лотин суффиксларига мисоллар келтирамиз. Демак, от ясовчи қўшимчаларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин: -ion (opinion), -tion (relation), -sion (explosion), -age (language), -ity (quality) ва сифат ясовчи қўшимчаларга эса: -able (detestable), -ate (accurate), -ant (arrogant), -ent (absent), -or (major), -al (cordial), -ar (lunar), -tive (narrative).

От ясовчи юнон тилидан олинган суффиксларга мисоллар келтирамиз: -ist (communist), -ism (hylozoism), -ast (dicast), -ite (labourite), -ia (utopia), -y (polity), -ics (acoustics), -sis (kenosis), -ter, -tor, -isk, -iscus (asterisk), -m, -me, -ma (theorem, theme, plasma). Инглиз тилида сифат ясовчи грек суффиксларига эса қуйидагилар киради: -ic, -tic (ethnic, cosmetic), -ac (cardiac), -ical (political), -oid (android).

Ярим аффикс мақомига эга бўлганларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин: -logy (phraseology), -graph, -gram (telegram), -logue, -log (monologue, dialogue, travelogue), -meter, -metry (parameter), -phile (audiophile, Francophile), -phone (Francophone).

Француз тилидан ўзлаштирилган суффикслардан жуда ҳам кенг фойдаланилган. Отлар учун: -ance (endurance), -ence (intelligence), -ment (development), -age (courage), -ess (tigress) ва сифатлар учун: -ous (serious) мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Префикслар ҳам турли соҳа терминларини ясада муҳим роль ўйнайди. mis-, un-, be-, out-, up-, under-, over-, with- ва бошқалар туб префикслар бўлиб, dis-, de-, in-, il-, ir-, non-, cor-, re- ва қўллаб бошқалари лотин ва француз тилидан ўзлаштирилган префикслар ҳисобланади. Юқори даражадаги самарадорлик қуйидаги роман тиллари префикслари ва ярим префиксларига хос: extra-, pre-, re-, sub-, ultra-, counter-, inter-, semi-, trans-, post-, super- шу ўринда жуда самарали юнон тили префикслари ва ярим префиксларини ҳам кўрсатиб ўтамиз: anti-, auto-, neo- a-, an-, anti-, ant-, auto-, bio-, bi-, geo-, hyper-, micro-, mono-, neo-, pan- ва бошқалар.

Предметнинг денотатив маъносини ифодалашни бўйича ҳам аффикслар бир неча гуруҳларга бўлинади. Ҳаттоки баъзилари турли предмет маъноларини ифодаловчи маркерлар ҳам бўлиши мумкин. Қуйида маълум маъно ифодлашига кўра аффикслар гуруҳларига мисоллар келтирамиз. Демак, -er, -est, -ee, -ess, -ist, -ite, -ese, -eer, -star, -or, -ant, -ent шахсларни ясовчи қўшимчалар; -ix, -ine, -ette, -ess аёл жинсини ифодаловчи суффикслар; -ling, -il(-y/-ey), -ette, -let, -star, -kin эмоционал бўёқдорликни (кичрайтириш, эркалаш, эътиборсизлик) ифодаловчи сўзларни ясовчи қўшимчалар ва ниҳоят -ism, -ing, -ness, -ship, -hood, -dom, -th, -age, -ance/ence, -al, -ment, -tion, -ation, -sion, -ion мавҳум маънони ифодаловчи суффикслар.

Инглиз тили структураси ҳақида келтирилган маълумотлар инглиз адабиётшунослик терминлари ясалишини характерлаш учун ишлатилиши мумкин. Адабиётшунослик терминологияси ҳам худди оммавий-сиёсий, публицистик ва бошқа бир томонлама терминология сингари мавҳум ҳисобланади. Мавҳумлик маъносини характерлашда охириги келтирган суффиксларимиз гуруҳи биз учун адабиётшунослик терминларини структуравий таҳлил қилишда муҳим саналади. Юқорида билдирган фикрларимиздан келиб чиққан ҳолда, ясама адабиётшунослик терминларининг аффиксал хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Ясама адабиётшунослик терминлари сўз туркуми жиҳатидан икки гуруҳга: от сўз туркумлари ва сифат сўз туркумларига бўлинади. От сўз туркумлари ясама терминларнинг 444 тани, яъни 47% ташкил қилса, сифат сўз туркумлари 61 та терминни, яъни бор йўғи 6% ташкил қилди. Адабиётшунослик терминларининг от ва сифатлилиги жиҳатдан аффиксал ясалиш хусусиятларини алоҳида алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

Шуни таъкидлашимиз жоизки, ясама терминлар ҳам суффикслар ҳам префикслар орқали бир хил ясалади. Тадқиқотимиз жараёни шуни кўрсатдики, суффиксал ясалиш етакчи ҳисобланади. Шу сабабли биз дастлаб адабиётшунослик терминлари вазифасини бажарувчи ясама терминларнинг суффиксал хусусиятларини ифодалашдан бошлаймиз.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, биз таҳлилга тортган луғатимиздаги 95 % ясама адабиётшунослик терминлари лотин, юнон, француз тилларидан ўзлаштирилган бўлиб, 5% адабиётшунослик терминлари инглиз тилининг туб ясама терминлари ҳисобланади. Ясама адабиётшунослик терминларининг суффиксал структуравий таҳлили натижасида от ясовчи суффикс ва ярим суффикслар рўйхати тузилди: -ant/-ent, -ary, -ance/-ence, -age, -ate, -ax, -ency, -eme/-me, -ma, -ar, -er, -or, -en, -graph, -gram, -meter, -nym, -phone, -ics, -ism, -ine, -ing, -is, -y, -ist, -ity, -logue, -logy, -ness, -ment, -ia, -o, -our, -ion, -ude, -ure, -um, -us.

Биз тадқиқот объекти қилиб олган Крис Болдикнинг “The Concise Oxford Dictionary of literary terms” адабиётшунослик терминлари луғатидаги туб ва ўзлаштирилган нисбатан самарали суффиксларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин: -ion, -tion, -sion, -age, - (лот.), -ism, -is, -logy, -ist, -eme (юнон), -ia (греч./лат.), -ment, -ant/ance (фр.), -er, -or, -ness, -ing, (туб инг.) Нисбатан кам самарадор бўлган суффикс ва ярим суффиксларга эса: -gram, -graph - (юнон), -um, -us, -ate, -ах, - (лот.), -ant/-ent - (фр.) кабиларни киритдик.

Крис Болдикнинг “The Concise Oxford Dictionary of literary terms” луғатидаги ясама адабиётшунослик терминларнинг самарадорлиги бўйича келтиришга ҳаракат қилдик.

Максимал самарадор суффикс -ism бўлиб, унинг ёрдамида 59 та адабиётшунослик термини ясалган.

-ism – 59 та термин: Acmeism, Aestheticism, Alexandrianism, anachronism, aphorism, archaism, classicism, colloquialism, criticism, Dadaism, empiricism, euphuism, existentialism, experimentalism, expressionism, formalism, Futurism, hermeticism, humanism, Imagism, impressionism, logocentrism, malapropism, mannerism, medievalism or mediaevalism, metacriticism, minimalism, modernism, naturalism, neoclassicism, neologism, Neoplatonism, neo-realism, Ossianism, parallelism, phonocentrism, plagiarism, Platonism, pleonasm, poeticism, postmodernism, post-structuralism, preromanticism, primitivism, propagandism, realism, reductionism, reflectionism, Romanticism, scholasticism, sigmatism, solecism, Spoonerism, structuralism, Surrealism, syllogism, Transcendentalism, Vorticism, Wertherism;

Кейинги суффикслар:

-tion – 39 та термин: alliteration, carnivalization, characterization, connotation, convention, deconstruction, defamiliarization, demotion, denotation, diction, edition, emendation, explication, exposition, fabulation, faction, fiction, focalization, function, imagination, incantation, induction, inflection(inflexion), interpolation, intonation, invocation, interpolation, narration, peroration, personification, plurisignation, promotion, recognition, redaction, substitution, surfiction, tradition, truncation, versification;

-y – 39 та термин: Arcady, comedy, dipody, monody, parody, prosody, rhapsody, threnody, tragedy, tragicomedy, dramaturgy, elegy, allegory, bardolatry, oratory, poetry, septenary, epiphany, cacophony, euphony, anachrony, irony, litany, anatomy, metonymy, polysemy, homily, bibliography, hagiography, palaeography, pornography, typography, chrestomathy, indeterminacy, psychomachy, fantasy, intertextuality, peripety, travesty;

-is – 34 та термин: anacrusis, anadiplosis, anagnorisis, analepsis, antanaclasis, aposiopesis, auxesis, catachresis, catharsis, crisis, diaeresis, dieresis, diegesis, ellipsis, epanalepsis, epizeuxis, exegesis, hubris, hybris, lexis, meiosis, metalepsis, mimesis, mythopoesis, nemesis, periphrasis, prolepsis, syllepsis, synaeresis, syneresis, synizesis, synopsis, synthesis, thesis;

-ics – 17 та термин: aesthetics, Anacreontics, esthetics, gynocritics, hermeneutics, phonetics, poetics, semantics, semiotics, stylistics, Alcaics, galliambics, hendecasyllabics, metrics, Sapphics, architectonics, Skeltonics;

-logy – 16 та термин: analogy, apology, eschatology, grammarology, grammarology, homology, morphology, narratology, phenomenology, philology, phonology, scatology, semiology, tetralogy, trilogy, typology;

-ia – 14 та термин: antonomasia, paronomasia, synaesthesia, aporia, Arcadia, dystopia, utopia, juvenilia, mythopoeia, onomatopoeia, peripeteia, prosopopoeia, stichomythia;

-o – 11 та термин: braggadocio, canto, exclamatio, folio, scenario, libretto, octavo, quarto, recto, roccoco, verso;

-ic/-tic – 12 та термин: acrostic, cretic, diacritic, fantastic, semiotic, Symbolic, georgic, ionic, panegyric, polemic, pyrrhic, vatic;

-sion – 9 та термин: allusion, cohesion, digression, elision, inversion, misprision, recension, revision, scansion;

-ance/-ence – 9 та термин: assonance, concordance, consonance, Renaissance, romance, sibilance, cadence, competence, decadence;

-us – 9 та термин: afflatus, apparatus, chiasmus, chorus, corpus, excursus, hiatus, ictus, passus;

-ant/-ent – 7 та термин: actant, confidant, pageant, accent, content, lament, referent;
 -meter – 7 та термин: dimeter, heptameter, hexameter, monometer, pentameter, tetrameter, trimeter;
 -que – 7 та термин: baroque, burlesque, critique, equivoque, intrigue, grotesque, masque;
 -eme – 6 та термин: episteme, grapheme, morpheme, phoneme, scheme, theme;
 -logue – 6 та термин: apologue, dialogue, eclogue, epilogue, monologue, prologue;
 -ment – 6 та термин: argument, denouement, enjambment (enjambement), Enlightenment, estrangement, Movement;
 -age – 5 та термин: coinage, collage, colportage, hypallage, patronage;
 -el – 5 та термин: doggerel, Machiavel, minstrel, rondel, roundel;
 -ure – 5 та термин: caesure, closure, erasure, measure, literature, texture;
 -um – 5 та термин: decorum, encomium, exemplum, exordium, medium;
 -ion – 4 та термин: criterion, epithalamion, epyllion, prothalamion;
 -er – 4 та термин: character, poetaster, register, signifier;
 -ee – 4 та термин: narratee, repartee, spondee, trochee;
 -ophe – 4 та термин: apostrophe, catastrophe, epistrophe, strophe;
 -ist – 3 та термин: antagonist, protagonist, Symbolists;
 -ain – 3 та термин: refrain, quatrain, quintain, villain;
 -au – 3 та термин: fabliau, rondeau, tableau;
 -ette – 3 та термин: novelette, soubrette, vignette;
 -gm – 3 та термин: apopthegm, paradigm, syntagm;
 -ing – 3 та термин: foregrounding, flyting, kenning;
 -al – 2 та термин: pastoral, reversal;
 -ine – 2 та термин: heroine, philistine;
 -ity – 2 та термин: ambiguity, sensibility;
 -ness – 2 та термин: belatedness, literariness;
 -(o)nym – 2 та термин: homonym, synonym;
 -ore – 2 та термин: extempore, folklore;
 -phon(e) – 2 та термин: colophon, homophone;
 -gram – 2 та термин: epigram, lipogram;
 -graph – 2 та термин: epigraph, holograph;
 -able – parable; -ary – bestiary; -ar – vernacular; -ast – bombast; -ate – vulgate; -ax – climax; -or – narrator; -en – burden; -gone – epigone; -iad – Asclepiad, jeremiad; -ian – fustian; -ise – treatise; -me – palindrome, pantomime; -ma – zeugma; -our – troubadour; -ous – marvellous (marvelous); -ude – verisimilitude;
 -ula – clausula.

Таҳлилга тортган луғатимиздаги от сўз туркумига хос ясама адабиётшунослик терминлари асосан лотин, юнон ва француз тилларидан ўзлаштирилган суффикслар орқали ясалган. Туб инглиз тилига хос суффикслардан -er/-or, -ing, -ness ёрдамида санокли терминлар ясалган. Юқори даражадаги самарали ўзлашма қатлам суффиксларига -ism, -tion, -sion, -ion, -is, -y, -ic/-tic, -ics, -ant/-ent, -ance/-ence, -meter, -logy, -logue, -ia, -age, -eme, -ment, -ure, -um. Айтиб ўтишимиз жоизки, юқоридаги суффикслардан -meter, -logy, -logue ярим суффикслар ҳисобланади, чунки уларда семантик номинатив маъно мавжуд.

Сифат сўз туркумига хос ясама адабиётшунослик терминларининг суффиксал таҳлили қуйидаги суффиксларни аниқлаш имконини берди: -tive, -sive, -ive, -ial, -al, -ic, -ing, -ous, ant/-ent, -ed, ible/-able, -ate/-ite, -ary/-ory, -ete, -less, -ite, -ect, -y, -ule ва бошқалар. Сифат терминлар асосан роман ва юнон тилларидан ўзлаштирилган қуйидаги суффикслар орқали ясалган: -tive, -al, -ous, -ary/-ory, (лот.), -ic – (юнон). Туб инглиз тили сифат ясовчи қўшимчалари ҳам учрайди: -ing, -ed, -less, -en, аммо жуда ҳам кам.

Бизнинг тадқиқот объектими “The Concise Oxford Dictionary of literary terms” луғатидаги нисбатан самарали суффикслар қуйидагилар ҳисобланади. Луғатимиздаги юқори

даражадаги самарали сифат сўз туркумига хос адабиётшунослик термини ясовчи суффикси – ic эканлигини кўрдик.

-ic – 28 термин: acatalectic, apocalyptic, autotelic, Byronic, catalectic, demotic, diachronic, dialectic, dialogic, didactic, epic, epideictic, episodic, formulaic, gnomic, Hellenistic, Homeric, homostrophic, lyric, mnemonic, octosyllabic, paratactic, Pindaric, polyphonic, rhetoric, Socratic, stichic, synchronic;

-ian – 6 термин: Aristotelian, Brechtian, Dionysian, Horatian, Juvenalian, Shavian;

-tive – 5 термин: affective, invective, narrative, performative, prescriptive;

-al – 5 термин: analogical, dialogical, literal, madrigal, periodical;

-ed – 3 термин: embedded, pirated, signified;

-y – 3 термин: fancy, imagery, machinery;

-ine – 2 термин: alexandrine, Caroline;

-ary – 2 термин: arbitrary, lapidary;

-ous – 2 термин: acephalous, eponymous;

-ly – 2 термин: readerly, writerly;

-an – Petrarchan; -ate – Latinate; -ory – aleatory;

Кўриб турганимиздек, нисбатан самарали суффикслар –ic, -ian, -tive, -al бўлиб, улар орқали сифат сўз туркумига хос адабиётшунослик терминларининг 72 % ясалган. Туб инглиз тили сифат ясовчи суффикси билан луғатимиздаги фақатгина 5% адабиётшунослик терминлари ясалган. Демак, самарали сифат сўз туркумига хос адабиётшунослик терминлари ясовчи қўшимчалари асосан роман ва юнон тиллари суффикслари эканлигининг гувоҳи бўлди. Тадқиқотимиз туб инглиз тили сифат ясовчи суффикслари сезиларли даражада самарасиз эканлигини кўрсатди.

Юқорида биз от ва сифат сўз туркумига хос адабиётшунослик терминларининг турли суффикслар билан ясалишини кўрсатишга ҳаракат қилдик. Тадқиқотимиз жараёнида адабиётшунослик терминларини турли префикслар ёрдамида ҳам ясалишининг гувоҳи бўлди. Префикслар ёрдамида ясалган адабиётшунослик терминларини сўз туркумига бўлмасдан таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Чунки суффикслардан фарқли ўлароқ префикслар ҳам от ҳам сифат сўз туркумига хос терминларни ясалишида бир хил фойдаланилади.

Тадқиқот жараёнида ясама терминлар яшада 40 дан ортиқ префикс ва ярим префикслардан фойдаланилишининг гувоҳи бўлди. Қуйида ҳам туб ҳам ўзлаштирилган префиксларга мисоллар келтирамиз: ambi- (лот.), at- (лот.), ana- (грек), amphi-(грек), аро- (грек), cata- (грек), com-/con- (лот.), со- (лот.), de- (лот.), des- (лот.), di-(грек), dis- (лот.), ехо- (грек), half- (инг.), hetero-(грек), homo- (грек), hyper- (грек), гипо- (грек), im-/in- (лот.), inter- (лот.), intra-/intro- (лот.), macro- (грек), моно- (грек), morpho- (грек), нео-(грек), поп- (лот.), off- (инг.), over- (инг.), run- (грек), para- (грек), poly- (грек), post- (лот.), pre- (лот.), pro- (лот.), re- (лот.), semi- (лот.), sub- (лот.), super- (лот.), supra- (лот.), syn- (грек), trans- (лот.), un- (инг.), bi- (лот.) ва бошқалар.

Энди луғатимиздаги адабиётшунослик терминларини ҳосил қилишда самарали фойдаланилган префиксларни кўриб чиқамиз:

amphi –amphibrach, amphimacer; ana – anachronism, anachrony, anacoluthon, anacrusis, anadiplosis, anagnorisis, anagogical, analepsis, analogy, anapaest, anaphora, anatomy; anti - anticlimax, anti-hero, anti-heroine, anti-masque, antimetabole, anti-novel, antiphon, antiphrasis, antistrophe, antithesis; apo – apocalyptic, apologue, apology, apophthegm, aposiopesis, apostrophe; arch - archetype; a – aside; cata – catachresis, catalectic, catastrophe; com – complaint; con – context; de – deconstruction, defamiliarization, demotion, denotation, device; dia – diachronic, diacritic, dialect, dialectic, dialogic; dis – discourse, discovery, dissemination, dissonance, distich; duo – duodecimo; extra – extravaganza; fore – foregrounding; half – half-rhyme; hemi – hemistich; hetero – heteroglossia; homo – homology, homonym, homophone, homostrophic; hyper – hyperbaton, hyperbole, hypermetrical or hypercatalectic, hypertext; in – indeterminacy, inflection or inflexion, inscape, instress; inter – interlude, interpolation,

intertextuality; loco – loco-descriptive; melo – melodrama; meta – metacriticism, metadrama, metatheatre, metafiction, metalanguage, metalepsis; mini – minimalism; mono – monodrama, monologic or monological, monometer, monorhyme; morpho – morpheme, morphology; multi – multi-accentuality; neo – neoclassicism, neologism, Neoplatonism, neo-realism; para – paradigm, paradox, paraliterature, parallelism, paraphrase, pararhyme, paratactic; poly – polyphonic, polyptoton, polysemy, polysyndeton; post – postmodernism, post-structuralism; pre – Pre-Raphaelites, preromanticism, prescriptive; pro – prolepsis, prologue, promotion, propagandism, protagonist, proverb; re – recension, recognition, redaction, reductionism, refrain, repartee, repetend; self – self-reflexive; sub – subgenre, sublime, subplot, substitution, subtext; syn – synchronic, syncope, synecdoche, syntagm, syntax, synthesis; trans – Transcendentalism; un – uncanny, undecidable; uni – univocal.

Кўриб турганимиздек, юкорида берилган префиксларнинг кўпчилиги лотин ва юнон тилларидан ўзлаштирилган. Туб инглиз префикс / ярим префиксларига ип-, off-, over-, half-киритишимиз мумкин. Ушбу префикслар орқали 2% дан ҳам камроқ ясама адабиётшунослик терминлари ясалганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, биз тадқиқот олиб бораётган луғатимиздаги қарийб барча ясама адабиётшунослик терминлари роман ва юнон тилидан ўзлаштирилган аффикслар ёрдамида ясалган.

Парасинтетик сўз ясаши деганда таянч сўзга бир пайтнинг ўзида префикс ва суффикс қўшилиши натижасида янги сўз ҳосил қилиниши тушунилади. Масалан, neoclassicism, homography. Бу усул отдан сифат ясада, айниқса самара беради. Қиёсланг: diachronic ёки pluridisciplinary (кўп предметли), multicultural (кўп маданиятга таалуқли). Ўзбек тилшунослигида морфологик усулдаги аффиксация ёрдамида сўз яшаш парасинтетик усулга яқин туради. Морфологик усулдан фарқли ўлароқ, парасинтетик усулда ҳам префиксациядан ҳам суффиксациядан фойдаланилади. Энди луғатимиздаги адабиётшунослик терминларини ҳосил қилишда парасинтетик усулдан фойдаланилган терминларни кўриб чиқамиз:

ana – anachronism, anachrony, anacoluthon, anacrusis, anadiplosis, anagnorisis, anagogical, analepsis, analogy, anapaest, anaphora, anatomy;

anti - anti-heroin, antiphrasis, antistrophe, antithesis;

apo – apocalyptic, apologue, apology, apophthegm, aposiopesis, apostrophe; cata – catachresis, catalectic, catastrophe; de – deconstruction, defamiliarization, demotion, denotation; dia – diachronic, diacritic, dialectic, dialogic; dis – discovery, dissemination, dissonance; duo – duodecimo; extra – extravaganza; fore – foregrounding; hetero – heteroglossia; homo – homology, homostrophic; hyper – hypermetrical or hypercatalectic; in – indeterminacy, inflection or inflexion; inter – interpolation, intertextuality; loco – loco-descriptive; meta – metacriticism, metalepsis; mini – minimalism; mono – monologic or monological; morpho – morpheme, morphology; multi – multi-accentuality; neo – neoclassicism, neologism, Neoplatonism, neo-realism; para – parallelism, paratactic; poly – polyphonic, polyptoton, polysemy, polysyndeton; post – postmodernism, post-structuralism; pre – Pre-Raphaelites, preromanticism, prescriptive; pro – prolepsis, prologue, promotion, propagandism, protagonist; re – recension, recognition, redaction, reductionism, repartee, repetend; self – self-reflexive; sub – substitution; syn – synchronic, synecdoche, syntagm, synthesis; trans – Transcendentalism; un – uncanny, undecidable; uni – univocal.

Луғатимиздаги 1060 та терминдан 95 таси парасинтетик усул ёрдамида ясалган ва бу 9% ни ташкил қилади. Юкорида айтиб ўтганимиздек асосан роман ва юнон тилларидан ўзлаштирилган префикс ва суффикслар орқали ушбу терминлар ясалган.

Тадқиқотимиз жараёнида оз бўлсада луғатимизда кўшма адабиётшунослик терминларига ҳам дуч келдик. Улар асосини икки ўзак, яъни икки мустақил маънога эга бўлган сўзлар ташкил қилади. Крис Болдикнинг “The Concise Oxford Dictionary of Literary terms” луғатида 10 та кўшма адабиётшунослик терминларини учратдик. Булар: broadside, chapbook, choriamb, cyberpunk, flashback, folktale, leitmotif, limerick, screenplay, touchstone. Кўриб турганимиздек, барча кўшма терминлар от сўз туркумига хос адабиётшунослик терминлари.

Хулоса қиладиган бўлсак, терминология ўзига хос тадқиқот йўналиши сифатида 1931 йилдан буён ўрганилиб келинади, Шу давр мобайнида терминнинг таърифи, мақоми, хос хусусиятлари, бошқа луғавий бирликларга муносабати, турли фанлар терминлари асосида ўрганилган, термин ҳосил қилувчи аффикслар аниқланган. Инглиз ва бошқа тилларда кўплаб адабиётшунослик терминлари луғатлари яратилган ҳолда, уларнинг мавзуий гуруҳлари, юзага келиш манбалари, тузилиши ва мазмуни ҳозиргача деярли ўрганилмаган. Крис Болдикнинг “The Concise Oxford dictionary of Literary terms” луғати 1060 та адабиётшунослик терминларини ўз ичига олган. Ушбу луғатдаги адабиётшунослик терминларининг структуравий таҳлили шуни кўрсатдики, луғатдаги терминларининг кўпчилиги ясама бўлиб, улар от ясовчи ва сифат ясовчи қўшимчалар орқали ясалган. От сўз туркумлари ясама терминларнинг 444 тани, яъни 47% ташкил қилса, сифат сўз туркумлари 61 та терминни, яъни бор йўғи 6% ташкил қилди. 118 та туб, яъни 11% ва 10 та қўшма адабиётшунослик терминлари мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Антрушина Г.Б., Афанасьева О.В., Морозова Н.Н. Лексикология английского языка: Учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по пед. спец. - М.: Дрофа, 2000. - 2-е изд., стер. - 287 с.
2. Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. Изд. 2-е. - М.: Высшая школа, 1986. - 296 с.
3. Гринев-Гриневиц С.В. Терминоведение. – М.: Академия, 2008.
4. Петросянц Э.Г. Лингвистическое терминопле: структура, семантика, деривация: на материале английского языка. – Пятигорск, 2004.
5. Abrams M. H. A Glossary of Literary terms. – Heinle & Heinle, a division of Thomson Learning, Inc., 1999.
6. Baldick Chris. The Concise Oxford Dictionary of Literary terms. – Oxford: Oxford University Press, 2001.
7. Bryant M.M. Modern English and its Heritage. – New York: The MacMillan Company, 1948. – 407 p.
8. Cuddon J.A. Dictionary of Literary terms and literary theory. – Fourth edition published in Penguin Books, 1999.
9. McArthur T. The Concise Oxford Companion to the English Language Oxford: Oxford University Press, 2005.
10. Protopopescu. “Theories of terminology – past and present”. Studii și cercetări de onomastică și lexicologie SCOL 6 (1-2), 2013. P. 195-201